Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти КУТУБХОНАСИ

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2015 йил 11 июль, № 136 (6319) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ШҲТНИНГ УФА САММИТИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 9-10 июль кунлари Россия Федерациясининг Уфа шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этди.



Саммитнинг асосий тадбирлари 10 июль куни бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси тор доирадаги учрашув билан бошланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғизистон Республикаси Президенти Алмазбек Атамбоев, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон иштирок этди.

Мажлисда халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар, ШҲТни янада ривожлантириш истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти амалий мулоқот ва минтақавий ҳамда глобал муаммоларни самарали ҳал этиш учун қулай имконият экани таъкидланди.

ШҲТга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарлари мажлисни кенгайтирилган таркибда давом эттирдилар. Унда кузатувчи давлатлар раҳбарлари, мулоқот бўйича шериклар ва халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов ўз нутқида тобора глобал тус олиб бораётган таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, ШҲТ фаолиятини кенгайтириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича ўз мулоҳазаларини билдирди.

Шиддат билан ўзгариб бораётган ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда, хавфсизлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсири ва нуфузи ошиб бормоқда. Бу ШҲТга тўлақонли аъзо бўлиш, кузатувчилар ва мулоқот бўйича шериклар қаторига қўшилиш истагини билдирган давлатлар сафи кенгайиб бораётганида намоён бўлмоқда ва бу табиий жараёндир, деди Ислом Каримов.

ШҲТ Хартияси ва ташкилотнинг барча асосий ҳужжатларида мустаҳкамланган ҳамда ШҲТ фаолияти бошқа давлатларга қарши йўналтирилмаганини таъминлайдиган тамойилга қатъий амал қилиш ва уни янада мустаҳкамлаш зарур.

Бошқача айтганда, Шанхай ҳамкорлик ташкилотини ҳарбий-сиёсий альянсга айлантирмаслик, ШҲТни ташкил этишдан кўзланган мақсад ва принципларга содиқ қолиш ва уларни янада мустаҳкамлаш даркор, деб таъкидлади Президентимиз.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон муаммосини ҳарбий йўл билан ҳал этиб бўлмаслигини, унинг ягона йўли — донор мамлакатларнинг молиявий-иқтисодий ва гуманитар ёрдамида ва БМТнинг фаол иштирокида фақат тинч сиёсий мулоқотлар ўтказиш, қарама-қарши томонлар ўртасида ўзаро келишувга эришиш эканини қайд этди.

Ўзбекистон қўшни сифатида Афғонистонга мунтазам ёрдам бериб келмоқда, транспорт коммуникацияларини барпо этиш, аҳолини электр энергияси билан таъминлаш лойиҳаларини амалга оширмоқда, инсонпарварлик ёрдамини етказиб бермоқда.

Ўзбекистон Афғонистон билан муносабатларни миллий манфаатлардан келиб чиқиб, Афғонистон халқи танлаган йўлни ҳурмат қилган ҳолда давом эттирмоқда.

Маълумки, ШҲТга раислик Ўзбекистонга ўтди. Шу муносабат билан Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланадиган йилда ташкилотга раислик қилишдек масъулиятли вазифани зиммасига олаётганини ва бу, ўз навбатида, истиқболда кўзда тутилган режаларни муваффақиятли амалга оширишда умумий масъулиятни янада оширишини таъкидлади.

Ўзбекистон ташкилотга раис сифатида мавжуд анъаналарга амал қилиш, ШҲТга аъзо мамлакатлар манфаатларига мос келадиган ҳамкорликни изчил мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш принципларига қатъий риоя этади.

Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши биргаликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодиётини барқарор юксалтириш ва уларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлаш ташкилот олдидаги долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Минтақада барқарорлик ва тараққиётнинг ишончли кафолати сифатида ШҲТ ролини янада мустаҳкамлаш мақсадида унга аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, манфаатдор давлатлар билан муносабатларни изчил ривожлантириш чора-тадбирларига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистон ШҲТга раислиги доирасида маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларида самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Саммит якунида Уфа декларацияси, ШҲТни 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси ва 2016 — 2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга қабул қилиш жараёнини бошлаш, Беларусь Республикасига кузатувчи, Озарбайжон, Арманистон, Камбоджа, Непал давлатларига мулоқот бўйича шерик мақомини бериш бўйича қарорлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа саммити доирасида 10 июль куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофлича муҳокама қилдилар.

Ислом Каримов кенг кўламли Ўзбекистон — Хитой муносабатлари икки давлат раҳбарларининг дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган мулоқотлари негизида тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Хитой билан иқтисодиёт, транспорт коммуникациялари, таълим каби қатор соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. "Ўрта Осиё — Хитой" газ қувури, "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси, Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир.

Товар айирбошлаш ҳажми сўнгги 6 йилда 3 карра ортгани эътиборга молик. 2008 йилда бу кўрсаткич 1,5 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 4,7 миллиард долларга етди.

Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарини жорий йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, Ўзбекистон халқи Ислом Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда янада катта ютуқларни қўлга киритишига ишонч билдирди.

ХХР Раиси Хитой томони Ўзбекистонда тиббиёт, таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги ислоҳотларни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам сифатида 350 миллион юань миқдорида грант ажратганини маълум қилди.

Учрашувда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилганининг 10 йиллигида ўтаётгани ҳамда ҳамкорликнинг барча устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашиш учун қулай фурсат экани таъкидланди.

Президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Минтақавий хавфсизликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия ШҲТ ва МДҲ доирасида фаол ҳамкорлик қилаётгани қайд этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бораётир. 2014 йилда бу борадаги кўрсаткич 6 миллиард доллардан ошган.

Владимир Путин Ислом Каримовни давлат ташрифи билан Россия Федерациясига таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Уфа шаҳрига ташрифи якунига етди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент — Уфа — Тошкент

Аъло АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

10 июль куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатаси мажлисининг кун тартибига «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ваколатига тааллуқли бошқа масалалар киритилди.

Мажлис арафасида ана шу масалалар барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг, шунингдек, Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларидан иборат «Демократик кучлар блоки»нинг мажлисларида муҳокама қилинган эди. Хусусан, уларда депутатлар ўз сайловолди дастурлари йўналишларидан келиб чиққан ҳолда «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси бўйича қатор таклиф ва тавсиялар билдирдилар.

Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси «Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилишдан бошланди. Қонун лойиҳасининг мақсади аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда давлат санитария назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ҳолати ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ушбу соҳадаги муаммолар, бир қатор хорижий мамлакатларнинг санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш масалаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасидаги тажрибаси ўрганилди.

Мажлисда таъкидланганидек, илгари ушбу соҳанинг ҳуқуқий асосини 1992 йилда қабул қилинган «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги Қонун ташкил қилар эди. Ушбу Қонун, авало, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар сифати оширилишини, юқумли ва паразитар касалликлар тарқалишининг олди олинишини ҳамда санитария-эпидемиологик барқарорликни таъминлади.

Соҳада эришилган талай ижобий натижаларга қарамай, бугунги кун талабларидан келиб чиқан ҳолда қонунчиликни янада такомиллаштириш зарурати юзага келди. «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг янги қонунини қабул қилиш муҳим эканлиги айнан шу билан изоҳланади.

(Давоми 2-бетда).

Халқаро фестивалга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

Хабарингиз бор, жорий йилда "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали ўнинчи бор ўтказилади. Ана шу нуфузли анжуманни ҳар галгидек кўтаринки руҳда ташкил қилиш мақсадида айни пайтда кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрида тайёргарлик ишлари қизғин тус олган.

Ҳудуднинг ҳар бир мавзесида ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш тадбирлари уюштирилиб, бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлиги ёнатрофга янада кўрку чирой бағишламоқда.

Аввало, эътироф этиш керакки, шу йилнинг кўкламидан шаҳар кўчалари, майдонлари ва хиёбонларига 23 минг тупдан зиёд каштан, япон софораси, Қрим қарағайи, оққайин каби манзарали ва игнабаргли дарахт кўчатлари экилганлиги ҳудуд қиёфасини буткул ўзгартириб юборди.

Шунингдек, шаҳар ободонлаштириш бошқармаси мутасаддиларининг таъкидлашича, қадимий гўшанинг диққатга сазовор жойларида маҳаллалар, тадбиркорлар, корхона ва ташкилотлар кўмагида экилган бир миллионга яқин голланд питунияси, салвия, шафранг, гатсания, которантус, 40 минг тупдан зиёд райҳон каби гул кўчатлари бугун ўзгача чирой очиб, кўрган кўзни қувонтираяпти.

Ана шундай хайрли ишлар Самарқанд шаҳрининг Рудакий, Али Қушчи, Термиз, Нодирабегим кўчалари ва Архитекторлар боғи, Хўжа Дониёр мақбараси ҳамда бошқа ҳудудларда ҳам амалга оширилди. Фестивалда иштирок этадиган хорижлик меҳмонлар Ургут, Пайариқ, Тайлоқ, Самарқанд, Пастдарғом каби туманлар марказларида ҳам бўлиши режалаштирилган. Шу боис айни пайтда мазкур ҳудудларда ҳам тайёргарлик ишларига киришилган.

(Давоми 2-бетда).

ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МАСАЛАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР



(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидлаш жоизки, янги қонун лойиҳаси соҳа ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, профилактик тадбирларни ўтказишда санитария нормалари ва қоидаларини татбиқ қилиш, гигиена қоидаларига риоя этишнинг барқарор тизимини яратиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш устидан давлат назоратини йўлга қўйиш билан бир қаторда, ушбу жараёнда фуқаролик жамияти институтларининг иштирокини кучайтириш ва фуқароларнинг масъулиятини ошириш билан боғлиқ устувор вазифаларни қамраб олади.

Жумладан, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Қонун лойиҳасида ер участкасини танлашда, объектларни реконструкция қилишда, лойиҳалаштириш ва қуришда, корхоналарни техник ва технологик қайта жиҳозлашда техник тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқувчиларга, ҳудудлар, иншоотлар, биноларни сақлашга, кимёвий ва биологик воситаларни зарарсизлантириш, утилизация қилиш ва кўмишга, озиқ-овқатларга, уларни ишлаб чиқаришга, ташишга, меҳнат шароитларига, касалликлар вужудга келиши ва тарқалишининг олдини олишга доир санитария-эпидемиологик талаблар аниқлаштирилган.

Мажлис жараёнида таъкидландики, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда санитария-эпидемиологик осойишталикни таъминлаш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш комплекс тизимини мустаҳкамлашга, шунингдек, ижро этувчи органлар ва назорат қилувчи хизматлар томонидан самарали назоратни таъминлашга кўмаклашади.

Ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар.

— «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси фракциямиз йиғилишида Сайловолди дастуримизнинг устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда кенг муҳокама қилинди, — дея таъкидлади **Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси аъзоси Ш. Шарафутдинов**. — Унинг қабул қилинишини қўллаб-қувватлаган ҳолда, партиямиз электорати ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун инвестиция муҳити ва бизнес шарт-шароитлари ёмонлашувига йўл қўймаслик муҳимлигини таъкидлаб ўтишни истардик. Шу маънода, қонун лойиҳасида фракциямиз аъзолари таклифлари билан юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ҳуқуқлари, шу жумладан, уларнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан санитария-гигиена ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқишдаги иштироки аниқ белгилаб қўйилди.

— Фракциямиз ушбу қонун лойиҳасини муҳокама қилар экан, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, ижтимоий хавфли касалликларни профилактика қилиш ва бартараф этишга қаратилган миллий, давлат дастурларини фаол амалга ошириш зарурлигига алоҳида эътибор берди, — **деди Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси аъзоси М. Фофурова.** — Шу нуқтаи назардан таъкидлаш лозимки, биз қонун лойиҳасининг янги кимёвий моддалар, биологик воситалар, материаллар, полимер ва пластик материаллар, атир-упа ва пардоз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва ишлаб чиқаришга фақат токсикологик-гигиеник баҳолашдан кейин, Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи рухсати билан йўл қўйилади, деган қоидасини қўллаб-қувватладик. Бу мамлакатимизга сифатсиз товарлар, озиқ-овқат маҳсулоти ва материаллар кириб келишига ишончли тўсиқ яратиш имконини беради.

— Фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳаси аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг комплекс тизимини мустаҳкамлашга кўмаклашади, шунингдек, ушбу соҳадаги ишлар ҳолатини назорат қилиш имконини беради деб ҳисоблайдилар, — **деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси аъзоси Б. Эшонқулов.** — Хусусан, фракциямиз таклифларидан келиб чиққан ҳолда, қонун лойиҳасида аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга доирасида меҳнат шароитларига нисбатан қўйиладиган санитария-эпидемиологик талаблар ойдинлаштирилди. Бу мамлакатимизда тенг ва ижтимоий қулай меҳнат шароитларини яратиш, ҳар бир фуқаронинг касбий иш билан бандлиги масалаларини самарали ҳал этишга хизмат қилади ҳамда партиямиз Сайловолди дастурига тўла мувофиқдир.

— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида фракциямиз уни такомиллаштириш юзасидан қатор таклиф ва тавсияларни илгари сурди, — **деди Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракцияси аъзоси М. Дадахўжаева**. — Партиямиз Сайловолди дастурининг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, биз қонун лойиҳасида профилактика ишларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби билан боғлиқ масалалар ечими акс эттирилганлигини қўллаб-қувватлаймиз. Бизнинг таклифимиз билан қонун лойиҳаси махсус модда билан тўлдирилиб, унда фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш, уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билим, кўникма ва малакаларни эгаллашига қаратилган нормалар ўз ифодасини топди.

— Қонун лойиҳаси ривожланишнинг ҳозирги даражасини ва атроф-муҳит омилларининг салбий таъсири билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш масалаларини самарали ҳал этиш учун қўйилаётган талабларни инобатга олган ҳолда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашга қаратилган, — дея таъкидлади **Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг аъзоси Қ. Жуманиёзов.** — Ҳозирги вақтда атроф-муҳит ва инсон соғлигини муҳофаза қилиш нафақат давлатнинг, балки жамиятнинг, ҳар бир фуқаронинг ишига айланмоқда. Бу Ўзбекистон экологик ҳаракатининг дастурий вазифасига мос келади. Шундан келиб чиққан ҳолда, мазкур қонун лойиҳаси депутатлар гуруҳимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланмоқда.

Қонун лойиҳасининг муҳокамаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида давом эттирилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати.

■ ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ҳамда манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг муҳим шарти бўлган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Фуқароларга қулайлик яратиш – асосий мақсад

Юртимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ ислоҳотларнинг мазкур йўналишига алоҳида эътибор қаратиб келинаётгани боис соҳадаги ишлар кўлами кенгайиб, самарадорлик ошди. Буни жуда кўп мисолларда кўришимиз мумкин.

Аввало, суд ҳокимиятини босқичма-босқич мустаҳкамлаб бориш орқали суднинг мустақиллигини таъминлаш, уни инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли муҳофаза этишга хизмат қиладиган мустақил давлат институтига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ташкилий-ҳуқуқий, институционал чора-тадбирлар амалга оширилди. Кўплаб қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари ҳаётга татбиқ этилди. Жумладан, "Судлар тўғрисида"ги Қонун янги таҳрирда қабул қилинди, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал қонунчилигига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни янада изчил амалга ошириш, суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконини берди.

Буларнинг барчаси жамиятда инсон ва унинг манфаатларини олий қадрият даражасига кўтариш, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишига хизмат қилди.

Жорий йил 10 июнда матбуотда эълон қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун мазкур йўналишдаги навбатдаги муҳим қадамлардан бирига айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Зеро, унга мувофиқ, Фуқаролик процессуал кодексига ҳам замон талаблари асосида қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар фуқароларнинг судларга мурожаат қилишини соддалаштириш, фуқаролик судларида электрон ҳужжат алмашинувини йўлга қўйиш, судга аризалар ва бошқа ҳужжатларни интернет орқали юбориш, шу асосда судларда иш юритишни такомиллаштириш, электрон шаклда суд ҳужжатларини юбориш тартибини ўрнатиш, шунингдек, фуқаролик суд иш юритувининг янада тезкорлиги ҳамда қулайлигини ошириш, процесс иштирокчилари харажатлари ва суд чиқимлари камайишига қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Маълумки, олдинги амалиёт бўйича, яъни Фуқаролик процессуал кодексига кўра, судга ариза жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилар, судья ишнинг мураккаблиги ва хусусиятига қараб, даъвогарни аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам жавобгарларнинг сонига мутаносиб миқдорда тақдим этишга мажбур қилиши мумкин эди. Ўз навбатида, худди шундай тартиб апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида ҳам ўрнатилган эди. Мазкур ҳолат фуқаролар учун кўплаб ноқулайликлар келтириб чиқарарди.

Кодексга киритилган янгиликлар эса мана шундай вазиятларнинг олдини олишга хизмат қилади. Эндиликда юқоридаги каби мажбурият электрон шаклда мурожаат қиладиган аризачига татбиқ этилмайди, балки бу масъулият суднинг зиммасида бўлади.

АҚШ, Австрия, Япония, Корея Республикаси ва бошқа ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, ушбу мамлакатларда фуқаролик суд иш юритувида электрон ҳужжат алмашинуви кенг тарқалган. Бунда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш орқали суд процессининг барча босқичи (даъво аризасини беришдан тортиб, электрон суд иши давлат архивига сақлаш учун топширилгунча) қамраб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритилган бундай муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар келгусида фуқаролик суд иш юритувини янада такомиллаштириш, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация тармоқларини кенг жорий этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини мустаҳкамлаш имконини беради.

Албатта, бу борада Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ҳам ўзларининг дастурий мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиққан ҳолда фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатиши давр тақозосидир. Чунончи, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоялаш самарадорлигини оширишга қаратилган ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш, уларни маромига етказиш, соҳада назорат-таҳлил тадбирларини изчил олиб бориш айни заруратдир.

Бунёджон ЭШОНҚУЛОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси.

■ ФАРМОН ВА ИЖРО

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди ташаббуси билан Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида "Тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш – давр талаби" мавзуида семинар ўтказилди.

Тадбиркорлар ҳуқуқлари ҳимояси – долзарб вазифа

Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, судьялар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда назорат органлари ходимлари ва видеоконференцалоқа тизими орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудидан тадбиркорлар иштирок этди.

Мазкур тадбир Президентимизнинг жорий йил 15 майдаги "Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг тушунтириш ҳамда тарғиб қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар олдида турган айрим муаммоларни ўрганиш ва бартараф этиш масалаларига бағишланди.

Семинарда иқтисодиётимизда хусусий сектор улушини кенгайтириш ҳамда улар фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш, соҳа ривожи учун зарур имтиёз ва имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани, Фармон бу борадаги ишларни янги босқичга кўтариши билан аҳамиятли экани таъкидланди. Зеро, унга мувофиқ, хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ишончли ҳимоясини таъминлаш, соҳа ривожи йўлидаги тўсиқларни бартараф этишнинг асосий йўналишлари бўйича жорий йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Дастурда хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун зарур шароит ҳамда имкониятлар яратиш, ушбу фаолият турини ташкил этиш ва йўлга қўйиш тартибини соддалаштириш, маъмурий ва жиноят қонунчилигини либераллаштириш ҳисобидан тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш кўзда тутилган.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш ва ноқонуний аралашиш, хусусий мулкдорлар ҳуқуқларини бузганлик учун давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини ошириш, жумладан, жиноий жавобгарликни ўрнатиш муҳим аҳамият касб этувчи вазифа сифатида белгиланган.

Дастурда хусусий тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилишда суд органлари ролини кучайтириш ҳам назарда тутилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектлари солиқ ва божхона қонунчилигини бузганлиги муносабати билан уларнинг мулкини мусодара қилиш, тўловчи томонидан эътироз бўлганда, қўшимча ҳисобланган божхона тўловларини ундириш фақат суд қарори билан амалга оширилади.

Хўжалик судларига назорат қилувчи органнинг шикоят қилинаётган ҳаракати (қарори) ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи берилади, хўжалик судлари томонидан даъво аризасини кўриб чиқиш учун қабул қилиш ва ишни суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим чиқариш муддати 10 кундан 5 кунгача қисқартирилади.

Сўзга чиққанлар Фармон ижросининг таъминланиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни изчил ривожлантириш, бизнес муҳитини яхшилаш, иқтисодиётга хорижий инвестицияларни янада кенг жалб этиш ҳамда янги иш ўринлари яратишга, пировардида халқимиз фаровонлиги юксалишига хизмат қилишини қайд этишди.

Тадбирда суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари томонидан тадбиркорларга Фармонда белгиланган бошқа имтиёзлар ва улар фаолиятининг қонун билан белгиланган кафолатлари хусусида ҳам кенг маълумотлар берилди.

Онлайн-видеоконференция шаклида ўтказилган семинарда жойлардан туриб қатнашган тадбиркорлар фикр-мулоҳазаларини билдириш, шунингдек, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олиш имконига ҳам эга бўлдилар.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро фестивалга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Эътиборлиси, фестиваль бўлиб ўтадиган Регистон майдонида саҳна қуриб битказилиб, ушбу жойда ҳамда Ҳамид Олимжон номидаги вилоят драма ва мусиқа театрининг балет залида репетиция жараёнлари олиб борилаётир.

— Ўзбекистон халқ артисти, таниқли режиссёр Баҳодир Йўлдошев бошчилигида мутахассислар, балетмейстерлар фестивалга қизғин ҳозирлик кўришмоқда, — дейди вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Камолидин Мизамов. — Вилоятдаги олий ўқув юртлари ҳамда касб-ҳунар коллежларидан жалб этилган ёшлар билан ҳам машғулотлар олиб борилаяпти. Талабалар тиббий кўрикдан ўтказилиб, келиб-кетишлари учун махсус автобуслар ажратилган, қисқача айтганда, уларга барча шарт-шароит яратилган.

Хуллас, кўҳна ва қадимий Самарқандда шу кунларда бўлган киши фестиваль шукуҳини дарҳол сезади. Ватанимиз мустақиллигининг 24 йиллик тантаналарига уланиб кетадиган ушбу санъат анжумани халқлар ўртасидаги дўстона муносабатларни мустаҳкамлашда беқиёс аҳамиятга эгалиги билан ҳам барчанинг диққат-эътиборини ўзига қаратмоқда. Зеро, куй-қўшиқ азал-азалдан эзгуликка хизмат қилиб келган.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хоразм қовунлари — экспортга

Азалдан Хоразм заминида етиштирилган ширин-шакар қовунлар қўрғошин қолипларда карвонлар орқали дунёнинг кўплаб мамлакатларига етказиб берилган. Бугун ана шу анъанани Урганч туманида жойлашган чет эл инвестицияси иштирокидаги "Хоразм қовунлари" МЧЖ жамоаси давом эттирмоқда.

■ ТАДБИРКОРЛИК

Ўтган йили корхона томонидан 300 тонна қовунтарвуз экспорт қилинган эди. Жорий йил ҳам 50 гектар майдонда экспортбоп қовун етиштирилди. Ҳозирги кунда ана шу ҳосилдан 500 тоннасини чет элга жўнатиш тадориги кўрилаяпти. Эътиборлиси, маҳсулотларни сифатли сақлаш учун 400 тонна сиғимга эга музлаткич бунёд этилди.

Шунингдек, қовунни қайта ишлаш мақсадида 500 минг АҚШ долларилик технология харид қилинди. У ишга тушгач, қайта ишланган қовунларни музлатилган ҳолда четга чиқариш имконияти яратилади.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАН ВА ТЕХНИКА, АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА МЕЪМОРЧИЛИК СОҲАСИДАГИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ КЕНГАШИДАН

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг фан ва техника, адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофотлари кенгаши қарорига мувофиқ 2015 йилда берилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотларига тавсияномаларни тақдим этиш муддати 2016 йилнинг 25 январига қадар узайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофотига тақдим этиладиган ишларга қўйиладиган талаблар билан танишиш ва зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлаш билан боғлиқ масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Фан ва техника соҳасида Давлат мукофоти бўйича:
100047, Тошкент шаҳри,
Яҳё Гуломов кўчаси, 70-уй, 322-хона.
Тел.: (0-371) 233-59-46;

Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасидаги Давлат мукофоти бўйича:
100129, Тошкент шаҳри,
Алишер Навоий кўчаси, 30-уй, 308-хона.
Тел.: (0-371) 239-49-57, 244-13-90.

Соғлом турмуш гарови

Пойтахтимизда 11 июль — Аҳолишунослик кунига бағишланган спорт марафони ўтказилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (ЮНФПА)нинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда аёллар, имконияти чекланган болалар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари қатнашди.

■ САНА

Мусобақанинг очилишида таъкидланганидек, республикамизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг, айниқса, спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун зарур шарт-шароит яратилган. Бу борада оилаларда соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, қизларнинг истеъдодини рўёбга чиқаришга устувор аҳамият берилмоқда. Мана шундай эзгу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, бугунги кунда спортда юксак натижаларга эришиб келаётган қизлар сони тобора ортиб бораяпти.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўсмир қизлар, аёллар, шу жумладан, уй бекаларини турли соғломлаштириш секцияларига жалб этиш мақсадида ўтказилаётган аёллар спорт фестивалларини, оилавий мусобақалар ва бошқа лойиҳалар опа-сингилларимизнинг спортга бўлган қизиқиши ортишига замин яратаётир.

Марафонда иштирокчилар 1,5 километр масофага югуриш бўйича баҳслашди. Болалар учун шашка мусобақаси, "Ёз ўтади соз" мавзуида расмлар танлови ташкил этилди. Маҳаллалардаги аёллар спорт жамоалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари томонидан тайёрланган дастур намойиш қилинди.

— Маҳалламизда спорт билан шуғулланиш учун кенг имкониятлар яратилган, — дейди Яккасарой туманидаги "Қушбеги" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Доно Карабаева. — Жумладан, сузиш ҳавзаси, "Қушбеги" болалар спорт мажмуасида хотин-қизларнинг қизиқишларидан келиб чиқиб, турли спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Уларда маҳалламиз аёллари, ўсмир қизлар фаол қатнашиб, ўз саломатликларини мустаҳкамлашмоқда.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова сўзга чиқди.

Азизбек РАМАЗОНОВ.

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

қуйидагиларни етказиб бериш бўйича танлов эълон қилади:

13 мм.ли заррин юлдузчалар, 20 мм.ли заррин юлдузчалар, офицерлар учун қумрангли кокардалар, офицерлар учун зарҳалланган кокардалар, аскарлар учун зарҳалланган кокардалар, 14 мм.ли латунли тугмалар, денгиз тўлқини рангли аёллар енгил курткалари, УСБ-56 чодирлари, УСТ-56 чодирлари.

Талабгорлардан танловда қатнашиш учун таклифлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун давомида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин:
8 10 998(371) 255-75-12, 281-43-72, 255-83-00.
Факс: 8 10 998(371) 281-43-73.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

1012A/497

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2015 йил 28 июль куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

I. Миробод тумани СИБ томонидан 2015 йил 23 февралдаги ЖСХ-1-48-957-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Кичик ҳалқа йўли кўчасида жойлашган:

- 2-уй, 1-хонадон, умумий майдони 105,78 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 255 185 884 сўм.***
- 2-уй, 3-хонадон, умумий майдони 112,06 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 270 335 888 сўм.***
- 2-уй, 9-хонадон, умумий майдони 108,46 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 250 159 393 сўм.***
- 2-уй, 10-хонадон, умумий майдони 127,88 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 294 950 979 сўм.***
- 2-уй, 11-хонадон, умумий майдони 190,04 кв.м. ***Бошланғич баҳоси — 458 456 471 сўм.***
